

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 181 (10.486)

2005 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



● **БУГУН** "Камолот" ЁИХ Шайхонтохур тумани бўлими Кенгаши томонидан Усмои Носир номли Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунар коллежида гуруҳ етакчилари сайловга бағишланган тadbир ташкил этилди.

● **КЕЧА** Шайхонтохур туманидаги "Эшонгузар" маҳалласида бўлиб ўтган тadbир "Тарихсиз келажак йўқ" деб номланди ва унда ёшлар ўшбу маҳалла тарихи билан яқиндан танишдилар.

● **"КАМОЛОТ"** ЁИХ Мирзо Улуғбек тумани бўлими Кенгаши томонидан қурилиш касб-хунар коллежида "Мустақиллигимиз абадий бўлсин" мавзусида тadbир ўтказилди.

● **"МАЪНАВИЯТ** ва маърифат" маркази Чилонзор туман бўлими томонидан "Лоҳира нон" масъулияти чекланган жамияти корхонасида "Озодлик — энг улуг неъмат" мавзусида тadbир ташкил этилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 22-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган хайрия тadbiri "Мустақиллик — олий неъмат" деб номланди.

Мирзо Улуғбек туманида самарали фаолият юритаётган корхоналар орасида собиқ "Ўзкабель" очик акциядорлик жамиятининг алоҳида ўрни бор.


ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Гап шундаки, 60 йилдан ортиқ вақт давомида кабель маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхона бугунги кунга келиб, хорижлик шериклар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар туфайли Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси сифатида иш юритмоқда.

Қувонарлиси, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона ахли 2 мингдан ортиқ турдаги сифатли, импорт ўрнини босувчи кабель маҳсулотларини тайёрламоқда ҳамда буюртмачиларига ўз муддатларида етказиб бермоқда. Жамоанинг асосий маҳсулоти бўлган кабель-ўтказгич маҳсулотлари нафақат саноат соҳасида, балки маиший мақсадларда ҳам кенг қўлланилади.

Қўшма корхона тadbirkorлари айни кунларда янги-янги лойиҳалар устида қизгин иш олиб бормоқдалар.

Муқаддас УМАРБЕКОВА



СУРАТЛАРДА: "Ўзкабель" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар

XVI Саҳоси

Барча маълумотлар олқинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Қимматли қозғалар бозорида янги тузилма - банкларро савдо тизими пайдо бўлди, у Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида ташкил этилди. Бу янги электрон савдо тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тadbirlari тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида жорий этилмоқда.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ёшлар ташкилотлари ҳамда тaълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида бажарилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла-хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг илғор китобхона оила» республика кўрик-танлови яқунланди.

● Янгиер шаҳрининг «Бинокор» маҳалласида барча қулайликларга эга бўлган маҳалла гузарои фойдаланишга топширилди. Унда савдо растаси, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, телерадио устaxonаси, компьютер хонаси, тивук центри, китоб дўхони ва спорт майдончаси фаолият кўрсатади.

Жаҳонда

● Мисрда илк бор муқобиллик асосида ўтказилган Президент сайловларида амалдаги давлат раҳбари Хусни Муборак 88 фоиз овоз олган ҳолда бешинчи маротаба олти йиллик муддатга сайланди.

● Россия Федерацияси Президентини Владимир Путиннинг Германияга ташрифи чоғида Берлинда 1200 километр узунликдаги Шимолий Европа газ қувурини бунёд этиш тўғрисида битим имзоланди.

● Бир ҳафта давомида госпиталда даволаниб чиққан Франция Президенти Жак Ширак, соғлиги яхшиланганига қарамай шифокорлар маслаҳатига кўра БМТнинг Нью-Йоркда ўтадиган саммитида қатнашмасликка қарор қилди.

● Хитойда мамлакатдаги биринчи «Диснейленд» иш бошлади. Лантау оролидаги 126 гектарлик майдонда жойлашган бу боғни барпо этиш учун 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган бўлиб, унда йилга 5-10 миллион кишининг дам олиши мўлжалланган.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

КЕЧА халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Илгари хабар қилганимиздек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ айрим депутатларнинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилганлигини инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳридаги бешта сайлов округида 16-Хумоюн (Мирзо Улуғбек тумани), 31-Учувчилар (Сергели), 37-Курувчилар (Хамза), 44-Навоий (Шайхонтохур) ва 59-Бўрижар (Яқасарой тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга 2005 йилнинг 11 сентябрь кунин сайловлар бўлиб ўтди.

Тегишли Қонуннинг 20-моддасига асосан қайд этилган бешта округ бўйича депутатликка номзодлар ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда сиёсий партиялар - Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилиб, жами 16 нафар номзод рўйхатга олинди.

Сайловларда 75 мингдан зиёд киши қатнашди, бу эса 16-Хумоюн, 31-Учувчилар, 37-Курувчилар, 44-Навоий ва 59-Бўрижар округлари ҳудудларида истикомат қилувчи умумий сайловчилар сонининг 74,5 фоизини ташкил этди. Кўрсатиб ўтилган Қонуннинг 45-моддасига асосан шаҳар сайлов комиссияси тегишли округ сайлов комиссияларидан олинган баённомаларга биноан 50 фоиздан зиёд сайловчилар овозини олган номзодларни Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб рўйхатга олди (депутатлар рўйхати чоп этилмоқда).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ ТҲҒРИСИДА

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2005 йил 11 сентябрда бўшаб қолган ўринларга ўтказилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган орган номи, партияга мансублиги	Эгалаб турган лавозими (машғулотивнинг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Абдуқодиров Шухрат Обиджонович	1969	Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши; ҲАДИДП	Хамза тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	37-Курувчилар
2.	Ақромов Акмал Маҳмудович	1955	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши; ҲАДИДП	«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири	Тошкент шаҳри	59-Бўрижар
3.	Исаев Жамолiddин Файзуллаевич	1962	Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши; ҲАДИДП	«Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	16-Хумоюн
4.	Тўхтаев Абдуқаҳҳор Ҳасанович	1956	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи; партиясиз	Тошкент шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри	44-Навоий
5.	Юсупов Абдулла Ағзамович	1945	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши; ҲАДИДП	Кўприққурилиш трести 13-кўприк қурилиш бирлашмаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	31-Учувчилар

Тошкент шаҳри,
2005 йил 12 сентябрь

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси
А. АБДУРАҲМОҲОВ

"Ўзбекистонда тайёрланган"

ЎЗИГА ХОС ҲИССАСИ БОР

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон энгил саноати йил сайин ривожланиб бормоқдаки, бу Президентимизнинг ушбу соҳа равнақиға қаратган алоҳида эътиборлари боис десак асло муболага бўлмайд.



Айниқса, "Ўзбекистонда тайёрланган" ёрликли энгил саноат товарлари турлари кўпайиб, экспорт ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганлиги соҳа ривожидан яққол дарак беради.

Қимматбаҳо бойлигимиз — пахта-ни қайта ишлаш асосида тайёрланаётган тўқув ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик саноати тараққиёти хусусида алоҳида тўхталмоқ жоиз. Ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдир-иш баробарида экспорт ҳажмини ҳам юксалтиришга ҳисса қўшаётган кўшма корхоналарнинг бу борадаги ўрни алоҳидадир. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, Мустақилликнинг ўтган йилларида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар боис энгил саноатга 900 миллион АҚШ доллар миқдориди хорижий инвестициялар киритилиб, 50 дан зиёд лойиҳа амалга ошди.

2002 йилда барпо этилиб, фаолият бошлаган "Шайхонтоҳур-текстиль" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ҳам ана шундай жамоалардан бири саналиб, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиги хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Туркиянинг тўқимачилик саноатида етакчи ҳисобланган "Седат-текстиль" фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу қўшма корхона цехларига ўрнатилган Япониядан келтирилган дастгоҳ ва ус-

куналар маҳсулот сифатини тўла таъминлайди ва ташқи бозорга жаҳон андозалари даражасидаги товарлар экспорт қилиш имкониятини яратади.

Корхонанинг афзаллик томони ва аҳамияти хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг цехларида тайёрланаётган кийим-кечаклар 95 фоиз маҳаллий хом ашёдан бўлиб, шу кунга қадар 750 нафар аҳоли иш билан таъминланди. Уларнинг самарали меҳнатлари натижаси ҳисобланган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тайёр кийим-кечаклар жаҳоннинг кўплаб давлатларига экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноати ҳамда иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшаётган қўшма корхонада маҳсулотнинг рақобатбардош турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу бозор талабларини тўғри англаш, харидор дид ва эҳтиёжини ўрганиш асосида меҳнат қилишни, маркетинг ишларини яхши йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Ана шунга амал қилган тadbиркорлар айна пайтда 170 моделдаги аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Ушбу маҳсулот турлари талабга кўра Америка, Россия, Қозғистон ва Ғарбий Европа давлатларига экспорт қилинмоқда.

Республикаимиз Мустақиллигининг 14 йиллигини янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, сифатга алоҳида эътибор қаратган ҳолда қўшма корхонада аҳоли жорий йил охиригача тайёрланган маҳсулотнинг 80 фоизини ташқи бозорга сотиш ниятида. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини эса йил охиригача 3,5-4 милли-



он АҚШ долларига етказишни кўзда тутишган. Энг асосийси эса маҳаллий хом ашёдан тайёрланган 3 миллион долларлик товарлар экспорт қилинади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: уста Барно Саидмухамедова ва тикувчи Наргиза Содиқова ўз меҳнатлари маҳсулидан қониқмоқда; дазмол босувчи Нодира Каримова сифатга эътибор қаратади; корхона цехларида иш қизгин кечмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Бу жараёнга нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат ташкилотлари ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Жумладан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳам оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу мақсадда жамғарма томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бўйича жамғарма "Фриденсдорф Интернейшнл" ҳамда "Энграг", "Смайл Трейн" халқаро ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилади.

Жумладан, жорий йил давомида 200 нафар туғма лабтанглай нуқсонни бўлган ногирон болаларга 12 389 000 сўм маблаг доирасида жарроҳлик операциялари ўтказилди. Операциялар 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти, "Алишер тиббиёт" хусусий стоматология клиникаси ҳамда республикаимизнинг Фарғона, Андижон, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари клиникаларида амалга оширилди.

Жорий йилнинг 3-10 май кунлари жамғарма томонидан Жанубий корейлик шифокорлар билан ҳамкорликда Тошкент педиатрия-тиббиёт институти клиникасида лаб ва танглай туғма нуқсонни бор ва танглай куй-

ишдан кейинги контрактураси билан хасталанган бемор болаларнинг 40 нафарга яқини тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 12 нафари хайрия тарзида

ойида бошлаб ўзбекистонлик 12 ёшга бўлган бемор ва ногирон болаларни Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаш ва реабилитация қилиш

зишди. Кўрик натижаларига кўра уларнинг 11 нафари Германия клиникаларида давола-нишга 26 август кўни жўнатилди.

Шунингдек, жамғарма кўмагида АҚШнинг "Энграг" халқаро гуманитар ташкилоти томонидан таклиф этилган 9 нафар шифокорлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд вилоятларида 917 нафар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказдилар. Улардан болалар 112 нафар, аёллар 452 нафарни ташкил этди. Шулардан 145 нафар беморларга оптик кўзойнақлар, 645 нафарига дори-дармонлар, топширилди. Аҳолига жами 26000 АҚШ доллар миқдориди мурувват ёрдами берилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллик байрами муносабати билан Сирдарё вилоятининг чекка ҳудудларида жойлашган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва унинг Сирдарё вилоят филиали томонидан мурувват ёрдам кўрсатилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ўзбекистонлик бемор болаларни республика ва чет элда даволаниши борасидаги хайрия дастурларига доимо эътибор беради ва бу борадаги ишларни изчил давом эттириб боради.

(Ўз мухбиримиз)

Жамғармалар фаолиятидан

КЕНГ КўЛАМДАГИ МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка юз тутгач, аҳолининг муҳофазага муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги "Сихат-саломатлик йили" давлат дастури ҳамда 2002 йил 5 июлда қабул қилинган "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 242-сонли қарори бундай муҳим эътибор ва ғамхўрликнинг намунасидир.

операция қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг 31 майдан 3 июнига қадар жамғарма томонидан Жанубий Кореянинг юрак хасталиги бўйича шифокорлари билан ҳамкорликда Тошкент педиатрия-тиббиёт институти клиникасида юрак хасталиги билан касалланган 49 нафар кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан унча бемор бола Кореяда даволаш учун танлаб олинди. Бундан ташқари, жамғарма Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти билан тузилган шартномага асосан, 2002 йилнинг август

фаолияти билан шуғулланмоқда. Утган давр мобайнида республикаимиздан юборилган 51 нафар бемор болалар Германия клиникаларида даволандилар. Бугунги кунда 5 та бола Германияда даволанишни давом эттирмоқда. Жами бўлиб эса, 2005 йил давомида 16 нафар бемор бола Германия клиникаларига даволанишга юборилди. Жорий йилнинг 7-12 июнь кунлари Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро хайрия ташкилоти мутахассислари республикаимизнинг Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб жами 220 нафар бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтқа-

Иқтисодиёт

МАЗАЛИ ВА СИФАТЛИ

Шайхонтоҳур туманида самарали фаолият юритаётган корхоналар орасида ўзининг сифатли маҳсулотлари билан «Тоҳир-Зулроҳ» шўба корхонасининг алоҳида ўрни бор.

Мазкур корхона жамоаси аъзолари — ўз касбига меҳр кўйган 20 нафар уста қандолатчилар, салкам 10 йилдан буён кўплаб турдаги нафақат тўю тантаналар, таваллуд айёмлари, балки хар кўни севиб истеъмол қилинадиган сифатли, хуштаъм, хушбўй маҳсулотларни тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беришмоқда. Улар учун ўзимизнинг хом ашёдан унумли фойдаланилади.

Мазкур корхонанинг «Шодлик», «Шоколадли», «Айём», «Мевали», «Қаймоқли» каби торт, «Саватча», «Банан», «Заварной», «Бисквит», «Асали», «Наполеон», бошқа турдаги кўплаб пирожнийлари, қиёмли, песочний, сарғели, мағизли, ёнғокли, кремли печеньелари, хушбўйлаштирилган мазали пряник ва бўрсилдоқ бўлмалари аллақачонлар ўз миқозларига эга. Жумладан, 2 йилдан буён корхона тadbиркорлари ички бозоримизни ўрганиш асосида 3-4 хилдаги хари-дорбоп макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ишлаб чиқариш цехида Россия давлатидан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида жорий йил охиригача 28 миллион сўмликдан ортик қандолатчилик маҳсулотлари сотилиши режалаштирилган. Корхона жамоаси Мустақиллик байрамимизнинг 14 йиллигига ҳамша-харларимизга янги маҳсулот — «Истиклол» тортини тақдим қилди.

ХУНАРДАН УНАР

Тарихи узок асрларга бориб тақалувчи халқ хунармандчилиги ҳамда амалий санъат бугунги кунда ҳам инсонларни ўзига мафтун қилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Яққасарой туманида ҳам зардўзлик санъати устаси Насиба Раҳматова бежиз гўзаллик яратувчи хунарманд ҳисобланади.

Ёшлик йилларидан зардўзликка меҳр кўйган хунарманд Бухоро зардўзлик мактабининг усуллари-ни мукамал эгаллади. Ма-шаққатли, сабр-тоқат, юқори маҳорат талаб эту-вчи хунар Насиба Раҳматова-га завқ-шавқ бағишлаб, муаллимлик касбини тўлдир-иб борди.

— Истиқлолимиз шаро-фати билан қалбимга ийлик-бағишловчи зардўзликни касб қилдим, — дейди хунарманд. Гўзалликка ошно қалблар доимо ўзи-ни ҳам гўзаллик яратишга ин-тилиши лозим, деб ўйлай-ман. Қувонарли томони, ўтган йилдан нафақага чи-қиб, ўзим истиқомат қила-диган «Ракат» маҳалласи кўмитасида ёш қиз-жувон-ларга зардўзлик сир-сино-атларидан сабоқ бермоқда-ман.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



Фармон ва ижро

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллиги тобора ошиб бораётгани сўнгги йилларда яққол намоён бўлмоқда. Албатта, бу Президентимизнинг ўтган йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросининг ҳаётга татбиқ қилинаётганлигининг натижасидир. Таъкидлаш керакки, мазкур Фармон мамлакатимиз хотин-қизлар кўмиталари фаолиятида туб бурилиш ясади. Бир сўз билан айтганда, барча бугундаги хотин-қизлар кўмиталарининг Фармондан келиб чиқадиган асосий вазифалари, бу — хотин-қизларнинг Конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини рўйбга чиқариши, уларнинг чуқур дунёвий илм олишларига эришиши, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси қилиши, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигига алоҳида эътибор бериши, уларнинг меҳнатини муҳофазаси қилиши ва бандлик масалаларини ҳал этиши ва амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминловчи доимий Комиссиянинг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари учун махсус ўқув дастури тасдиқланди. Ушбу, дастурга мувофиқ 5 сентябрдан 17 декабрга қадар Республика туман ва шаҳар хотин-қизлари кўмиталари раисларининг давомли ўқишлари йўлга қўйилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Бухоро ва Навоий вилоятлари туман ва шаҳар хотин-қизлари кўмиталари раисларининг бир ҳафталик ўқув семинарлари бўлиб ўтди. Ўқув машғулотлари якунида семинар иштирокчилари шахримиздаги намуналий туман хотин-қизлар кўмитаси иш фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш мақсадида Собир Раҳимов туман ҳокимлигига ташриф буюришди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фариди Абдурахимова сўзга чиқиб, Президентимиз Фармонлари мамлакатимиз хотин-қизлари кўмиталари зиммасига юксак ва масъулиятли вазифаларни юклаганлигини ва бу масъулиятли вазифалар шахримиз туманларида қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Шунингдек, тадбирда Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Муқаддас Расулова сўзга чиқиб, меҳмонларни Президентимиз Фармонларини ҳаётга татбиқ этишда тумандаги барча маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан биргаликда режа асосида олиб бораётган кенг қўламадаги ишлари билан яқиндан таништирди. Йиғилиш

иштирокчилари туманда олиб борилаётган ишларни диққат билан тинглаб, иш ҳужжатлари билан танишишди. Ва ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

— Мазкур махсус ўқув курсини ташкил



қилишдан қўзланган асосий мақсад, — деди йиғилишда иштирок этган Республика Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маърупова. — Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида бошланган сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар жараёнида қўйи бошқарув кадрларини, чунончи республиканинг туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раисларини ва улар орқали маҳаллаларда ва бевосита оилаларда аёлларимизни юртимизда Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар асосида шакллантирилган замонавий билим ва малакалар, илгор тажрибалар билан таништиришга қаратилган. Бунинг учун аввало жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раисларининг ўзлари малака ва савияга ога бўлиши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Йиғилиш сўнггида семинар иштирокчилари тажриба алмашиш мақсадида Собир Раҳимов туманидаги «Ачабод» маҳалла гузарига бўлиб, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳат-

чиси Муҳаррам Расулованинг иш тажрибалари, маҳалла гузари ҳамда унинг ёнида фаолият олиб бораётган «Истеъдод» болалар маркази, 42-оилавий поликлиника фаолияти билан танишдилар. Шундан сўнг меҳмонлар Мустанқиллик байрами арафасида бутунлай янги қиёфага кирган Эски шаҳар ва у ерда бунёд бўлган қўрқам ва мухташам Болалар ижодиёт уйи, Ўзбек либослари галереяси билан танишиб бир олам таассурот билан қайтдилар.

— Мен Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясидаги ўқув семинарда иштирок этганимдан жуда хурсандман, Собир Раҳимов туманида олиб борилаётган ишлар билан танишиб ўзимга иш фаолиятимда керак бўладиган муҳим йўналишларни аниқлаб олдим, менга айниқса ушбу туманда иш ҳужжатларининг тартибли йўлга қўйилганлиги жуда манзур бўлди, — дейди Бухоро вилояти, Вобкент тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Зебо Невматова. — Яна шунинг қувонч билан айтмоқчиманки, ўқув семинар сўнггида бўлиб ўтган тестда барча иштирокчилар орасида энг юқори балл олишга муваффақ бўлдим. Албатта, бу ерда олган билимларим келгусида хотин-қизлар билан ишлашда, жойларда тажрибаларни татбиқ этишда қўл келади албатта.

— Хотин-қизлар жамиятимизнинг муҳим таянчи эканлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз, — дейди Навоий вилояти, Қизилтепа тумани хотин-қизлар кўмитасининг раиси Машхура Каримова. — Бугунги кунда Республика хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ўқув семинарда қатнашиб, ўзимга катта сабоқ олдим. Айниқса оилаларнинг тинчлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, ажримларнинг олдини олишда, оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби масалаларда асосатдан зарур билимларни олишга эришдим. Бундан ниятда мамнунман. Шунингдек, намуналий туман ва маҳалла ҳаёти билан яқиндан танишиб, уларнинг иш тажрибасидан ўзимга керакли жиҳатларни танладим. Келгусида бундай тажриба алмашувлар, ўқув семинарлари давом этиб борар экан, албатта самарали натижаларга эришиб, Президентимиз Фармонларида белгиланган вазифаларни тўлиқ бажаришга эришамиз, деб ўйлайман.

Ўқув семинари якунида иштирокчилар махсус тест синувидан ўтказилди ва уларга сертификатлар топширилди. Шунингдек, мазкур ўқув семинарини келгусида яна давом эттириш режалаштирилди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида ташкил этилган ўқув семинар иштирокчилари Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида; пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмидаги янги иншоотлар билан танишув лавҳалари.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

«O'ZBEKTELEKOM» НИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ

«O'zbektelekom» акциядорлик компаниясининг етакчи телекоммуникация оператори корпоратив облигацияларини олди-сотди шартномаларини тузиш ишлари якунланди. Жойлаштирилган қимматли қўғозларнинг жами миқдори 2,0 миллиард сўмни ташкил этди.

Қимматли қўғозларни чиқаришдан нафақат облигация эмитентлари, балки эмиссиянинг даромадли шартлари тўғрисида мамлакатимизнинг йирик оператори облигацияларига эга маблағини қўйиш имконига эга бўлган инвесторлар ҳам манфаатдордир.

Сармоядорларнинг «O'zbektelekom» облигацияларининг катта қисмини сотиб олишга

иштиёқманд бўлишига қарамай облигацияларни чиқариш бўйича андеррайтер бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва инвестиция маслаҳатчиси «Avesta Investment Group» сармоядорларнинг диверсификациялаштирилган портфелини шакллантириш йўли билан харидорларнинг кенг доирада ўртасида облигацияларни жойлаштириши таъминлади. «Avesta

Investment Group» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан «O'zbektelekom»нинг молиявий аҳоли барқарор деб баҳоланади. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни интернет тармоқлари тизимини кенгайтириш, CDMA 450 технологияси асосида симсиз радио алоқани таъминлашга йўналтириш мўлжалланмоқда. Фақатгина 2005 йилнинг ўзид

эмитент 41 минг 967 миллион сўм миқдоридagi капитал қўйилмаларни жойлаштиришни режалаштирляпти. Мазкур маблағнинг 67 фоизи технология жиҳозларини модернизациялашга қаратилди.

Қимматли қўғозлар чиқариш шартига кўра йилга 22 фоиз даромад ставкаси билан давлатлики купонларга ҳақ тўлаш мuddати 2005 йилнинг 12 октябридан бошланади.

Компания облигацияларини сўндириш ва чиқариш шартларининг тўлиқ жадалви эмитентнинг www.uztelecom.uz ҳамда инвестиция маслаҳатчисининг www.avestagroup.com сайтларида акс эттирилган.

«Туркистон-пресс»

Алоқа

ЦЕХ ҚАЙТА ЯНГИЛАНДИ

«Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали орқали алоқа хизматининг бир қанча турлари амалга оширилмоқда. Бунда телеграф алоқаси цехининг тутган ўрни катта.

Аммо йиллар ўтиб цехга ўрнатилган техник ускуналар анча эскириб қолди. Бу эса хизмат кўрсатиш сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Масаланинг муҳимлиги инобатга олиниб, цех қайтадан жиҳозланди. Янги ўрнатилган замонавий ускуналар бир қатор қулайликка эгадир. Уларнинг техник устунлиги хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини бериди. Қатор тежамкорликка эришилди. Биргина электр энергиясининг ўзидан йилга 32 миллион сўм иқтисод қилиш мумкин.

ШЎЪБА КОРХОНАСИ ОЧИЛДИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг таркибид

яна бир янги шўъба ҳисобига бойийдиган бўлди. Эндиликда «ЎЗПАК» маълумотлар узатиш давлат унитар корхонаси ҳам бу ерда фаолият кўрсатади. Қўрилган бу техник тадбир «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини янада йириклаштириш имконини беради.

ЯНГИ ЛОЙИХА ДОИРАСИДА

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ЎЗНЕТ» филиалида маълумотни узатиш тармоғи ишини янада яхшилашга доир қатор техник жараёнлар амалга оширилмоқда.

«Тошкент шаҳар теле-фон тармоғи» филиалида эса маълумотлар узатиш тармоғи бошқичма-босқич равишда кенгайтирилди.

Бу лойиҳа транспорт сифимини ошириш, магистрал қурилмалари тугунлари сонини кўпайтириш имконини беради. Айни вақтда қўшимча магистрал қурилмаларни ўрнатиш узоқ масофадаги худудларга чиқиш учун қулайлик туғдиради.

Акбар АЛИЕВ

«Ватан Остонадан бошланади» дейди доно халқимиз. Остона эса маҳалла эшигидир. Мана шу маҳаллада барчамиз миллий қадриятларимиздан озикланиб вояга етамиз. Маънавий қарашларимиз ҳам аввало мана шу қадрдон маҳаллада камол топади. Ниш уриб турган истеъдодимизга биринчи галда баҳо берувчи ҳам, мана шу қобилиятни тиргаб етуликка ундовчи ҳам маҳалладир. Ҳўш, эртанги кун андозалари бўлиши бугунги кун ёшлари учун маҳаллаларда қандай ишлар амалга оширилмоқда, маҳалла фуқаролари учун қандай шарт-шароитлар яратилмоқда, уларнинг амалдаги натижалари қай даражада? Бу каби саволларга жавоб топши мақсадида биз Сергели туманидаги фаол маҳаллалардан бўлиши Шукур Бурхонов номи маҳалла фаолияти билан яқиндан танишдик.



ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ушбу маҳаллада ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, етук, баркамол инсон қилиб тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ва Шукур Бурхонов номи маҳалла фаоллари ҳамкорлигида 2001 йилда «Ёшлар маркази» ташкил этилган эди. Қисқа муддат ичида ушбу марказ кўпгина самарали йўтуқларга эришиб улгурди. Жумладан, ёшларнинг етарлича билим эгаллашлари учун маҳаллада марказий кутубхона очилди.

тин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

маҳалладаги аёлларни иш билан таъминлаш, ёш қизларга касб-хунар сирларини ўргатиш, аёлларимизнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун замин яратиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг иш фаолиятларига етарлича тиргаб бўлишдан иборат. Корхонанинг бугунги кундаги самарали фаолиятида маҳалла заҳматкашларидан бўлиши Маҳфуза опа Шоёқубованинг хизматлари айниқса беқийсдир.

Бундан ташқари каштачилик, бисер тиқиш, нақшолик, дурадгорлик каби тўғарақлар мунтазам иш олиб бормоқда. Маҳалла ёшлари ушбу тўғарақларда қатнашиб, туман, шаҳар, республика кўрик-танловларида фахрли ўринларнинг соҳибига айланмоқдалар. Шу билан чекланиб қолмасдан маҳалла фаоллари ҳамкорлигида Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хо-

асосида маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ҳар томонлама билимдон аёл иш бошлади. Шунингдек, маҳаллада «Ёшлар қаноти» қўшма корхонаси очилди. Ҳозирда ушбу корхона тadbиркор ва ташаббускор Муқаддас опа Хайдарова раҳбарлигида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Корхонанинг асосий мақсади,

миёндаги ўрнини белгилаб берувчи ушбу қонун барча маҳаллалар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилса, аёло иш бўлар эди. Бу эса ўз навбатида маҳалла фаровонлигининг юксалишига олиб келади.

ҲОЛИДА ОРИФЖОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университетини талабаси
СУРАТЛАРДА: Шукур Бурхонов номи маҳалла ҳаётидан лавҳалар.

ҲОТИРА ҚИЙОНСА ҚИЗАНДИР

ВАТАН ҚАДРИ

«Қариси бор унинг зари бор» деб доно халқимиз бежиз айтмаган. Кексалар билан хонадонимиз файли, улар билан дастурхон атрофидаги ибратли воқеаларни игга чизилган дурдк муҳассам этган, ҳикматта бой, гоят мароқли суҳбатлар кишининг қалбига бир умрга муҳрланади.

Шаҳри азим Тошкентнинг Зарқайнар кўчасидаги маълумо машур Ҳазрати Имом ёки халқ тилида айтилгандек «Хастимом» мавзесида Муҳаммадхон Муслимов деган табаррук, камтар инсон яшаб ўтган. Касби ҳисобчи бўлган отахон молия соҳасида 40 йил, Ўзбекистон муслмонлари (собиқ Урта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари) идорасида узоқ йиллар баракали, халол меҳнат қилиб, 103 ёшда вафот этган.

Отахон «Хастимом» маҳалласида фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган кезлари Собир Раҳимов тумани микёсидаги ободончилик ишларида, оилаларнинг аҳиллиги, мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ёш авлод тарбияси, эл-юрт манфаати учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Самимий ҳурмат ва юксак эҳтиромга сазовор ҳамда тўрт қиз, 30 нафардан зиёд набира, 40 нафардан ортиқ эвара ва 10 нафарга яқин чеваранинг нуруний чеҳрали буваси, ширин сўзли бу пиру давлат инсон билан суҳбатлашиш гоят гашта эди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳўп тотган, метин иродали, серғайрат бобо ҳеч қачон «чарчадим», «фалон ерим оғрияпти» демасдан, руҳлари ҳаммаса тетик, дастурхон атрофида ҳам ёнбошламасдан қоматни тик тутиб ўтирардилар.

«Менинг ўшимга бегубор етиб, бахтли-саодатли бўлинглар» деб барчага эзгу ниятларни билдирган дуоғўй, қолажакка умид, ишонч билан қараб яшаган, улуглар суҳбатда бўлиб, улар меҳрини қозонган табаррук Муҳаммадхон бубанинг айтган ҳар бир сўзлари ёшлар учун ибрат, унтилмас ҳикмат эканлиги боис, у барчанинг хотирасида сақланиб қолган.

Теран ақл, ноёб хотира ва дилкаш суҳбат соҳибига бўлган Муҳаммадхон бубанинг муҳ-

Улугбек ПўЛАТОВ

ЭРТАНГИ КУН УМИДИДА

Оилада фарзанд улғайса аввало ота-она меҳридан баҳраманд бўлади. Маҳалла эса унинг иккинчи уйи, камолот ва етуклик босқичида ўзига хос пиллапоё вазифасини ўтай оладиган кўргондир. Шу боис ҳам «Бир болага етти маҳалла ота-она» дейилади.

Сергели туманидаги «Гулистон» маҳалласида 7225 нафар аҳоли, 1982 та оила истикомат қилганини суннат тўйини ўтказдик. 25 та хонадоннинг коммунал тўловларини тўлашига ёрдамлашдик.

Аҳолини ижтимоий химоя қилишга қаратилган тадбирлар микёси кенгайиб бормоқда. Жумладан, Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан 1941-1945 йиллардаги II жаҳон уруши қатнашчилари байрам давридаги тақдирларини таълимлаш, улар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. Ҳозирги кунда эса «Гранд-дуэт» фирмаси



Маҳалла — ота-онанг

Тўғриси, Мустақиллик йилларида муаззам Тошкентимизда қўллаб-қувватлаш, ёш қизларга касб-хунар сирларини ўргатиш, аёлларимизнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун замин яратиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг иш фаолиятларига етарлича тиргаб бўлишдан иборат. Корхонанинг бугунги кундаги самарали фаолиятида маҳалла заҳматкашларидан бўлиши Маҳфуза опа Шоёқубованинг хизматлари айниқса беқийсдир.

Аёл — оиланинг устунидир. Устун қанчалар бақувват бўлса, оила ҳам шунчалар мустаҳкам қад кўтариб туради. Аёлнинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берувчи ушбу қонун барча маҳаллалар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилса, аёло иш бўлар эди. Бу эса ўз навбатида маҳалла фаровонлигининг юксалишига олиб келади.

ҲОЛИДА ОРИФЖОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университетини талабаси
СУРАТЛАРДА: Шукур Бурхонов номи маҳалла ҳаётидан лавҳалар.

рон-бир бола нотўғри иш қилса, «қийшиқ» қадам қўйса оқсоқоллар, обрў-этиборли одамлар уни тўғри йўлга солишади, танбех беришади. Бу борада сизларда қандай?

— Маҳалламизда ёшлар ўртасида ўғрилиқ, ҳуллас, турли жиноятчиликка қўл уриш кейинги йилларда содир этилмади. Бунинг сабаби, маҳалламизда кўпни кўрган, донишманд Аҳмадхўжа Азизов, Анвархўжи Обиедов, Мираҳмад Мирхўжиев, Турғун Орифжонов, Топшўлат Ҳақимов, Илхом Аҳмедов, Авғон Бодриддинов, Миротдиқ Фозилов сингари нуруний ва кексаларимизнинг сай-ҳаракатлари деб биламиз.

Шунингдек, маҳаллада «Обод маҳалланинг соғлом фарзандлари», «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!» ва «Гийвандлик — ҳалоқат» каби мавзуларда давра суҳбатлари, ўзаро мулоқотлар ўтказиб туриш аънаънага айланган. Барча ёшларнинг мактабда ўқиши инobatга олиниб, маҳалла — мактаб концепцияси ишлаб чиқилган. Иқтидорли болаларга маҳалла томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Аёлоғу ўқиган ва намунали хулқи ёшларга олий ва ўрта махсус ўқув юртига кириш учун тавсиялар берилаяпти. Беш йилдири, ёзги уч ойлик таътил даврида маҳалла болаларининг футбол мусобақалари ўтказилаяпти. Маҳалламизнинг ўз полволлари ҳам бор.

Бундан ташқари теварак-атрофда бўлаётган ўзгаришларга бефарқлик, ёшларнинг турли экстремистик оқимларга кириб кетиши, ҳар хил ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари, суд, прокуратура органлари ходимлари ишториқда ўтказилаётган мулоқотлар маҳалламизнинг қолаверса, юртимизнинг, элимизнинг осойишталиги, тинчлигини сақлашда муҳим ўрин тутаяди.



лик беришича, қадимда маҳаллаларнинг ўз гузари бўлган. Уларда чойхона, новвойхона, қасобхона, дов-даракт эким, гулзор яратилган деб билади. Керак бўлса, шу йўлда хузур-халоватдан воз кечиб елиб-югуришдан маъно топади.

— **Лутфулла ака, мамлакатимиздаги каби маҳаллаларда уюшиб яшаш, оқсоқол сайлаш ҳеч бир юрда йўқ, десак адошмаймиз. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимизни дунёнинг ноёб тузилмаси дейиш мумкинми?**

— Ҳа, мумкин. Чунки ҳар бир

вом этмоқда. Мазкур иншоот барча замонавий жиҳоз, қўлалиқларга эгаллиги боис, «Гулистон» маҳалласида истикомат қилувчи ёш кекса кўнглини хушуд эйтишига имшоним мумкин.

Албатта, маҳалла фаолиятини мамлакатимизда олиб борилаётган коммунал соҳадаги ислохотларни кенг халқ оmmasига тарғиб этишга қаратилган ҳаракатларисиз тасаввур этиш қийин. «Гулистон» маҳалласи ҳудудида эса «Гулзор-сервис», «Гулистон тонги», «Севара-коммунал-сервис» сингари уй-жой мулкдорлари ширкати 1982та хонадонга бекаму кўст хизмат қилмоқда. Ширкат етакчилари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳар доим коммунал соҳадаги ислохотларни тўғри тушунириб беришга ҳаракат қилади.

Юқорида қайд этилган ишлар маҳалла фаолиятига маълум чизгилар ҳолос. Уйлаймизки, «Гулистон» маҳалласида олиб борилаётган эзгу амаллар мунтазам давом этaveraди.

Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: Уйин майдончаси доим бо-

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИРЛАР

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан юртимизнинг ҳар бири гўшасида байрам шодийналари ва хайрия тадбирлари давом этмоқда.

«Камолот» ЕИХ Юнусобод тумани бўлими томонидан «Маҳалла умидлари» маркази билан ҳамкорликда тумандаги 58 та маҳаллада байрам тадбирлари уюштирилди. Кўни кеча «Астро-бод», «Қашқар», «Наврўз» маҳаллаларида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шiori остида давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Бу тадбирларда ёшларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир ўғил-қиз қалбини юртга нисбатан фахр-ифтихор, гурурга тўлдириш, уларнинг келажак сари камарбаста бўлишида ота-оналар, маҳалла-кўйининг ўрни ҳақида сўз борди. Кенг даврадаги суҳбатлар давомида ёшлар ўзларини кизиқтирган барча саволларга нуруний отахонлару мунис онахонлардан ҳамда мутахассслардан жавоблар олдилар.

«Оқтепа» ва Мансурхўжаев номидаги маҳалла-ўзларини имкон борича кўпроқ қилиб, болаларнинг кўнглига озгина бўлсада шодлик, қувонч олиб киришди.

Дарҳақиқат, ўз уйимизни том маънода ўзимиз асрамадик, ким асрайди, — дейди «Оқтепа» маҳалласида истикомат қилувчи Шерзод Абдуллаев. — Бу юрт, бу давлат, бу маҳалла ҳаммамизнинг уйимиз, унинг фаровонлиги, ёруғ истиқбол бизнинг қўлимиздадир. Шундай экан, Ватан тараққиёти ва юрт тинчлиги учун бутун борлигимизни бахш этмасарзийди...

«Биз эркин ва фаровон ҳаёт кўрмоқдамиз» шiori остида «Мингўрик», Юнус ота номидаги ва «Иттифок» маҳаллаларида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги, эзгу орзу-интилишлари,

юксак инсоний туйғуларини топташга уринадиган қора қулларга эл-юртимиз фарзандлари муқосиб жавоб беришга қодир экани хусусида катта авлод вақиллари ва ёшлар ўртасида суҳбатлар уюштирилди. Тадбирларда маҳалла ёшлари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари ва турли хил мусиқий чиқишлар ҳам намоийш этилди.

«Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими томонидан кам таъминланган болаларга хизмат вақтида ҳалоқ бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари ўқув кўроллари билан таъминланди.

— Меҳр-мурувватга муҳтож болажонларнинг кўзларида мана шундай қувонч ва шодликни кўришининг ўзи кўнглига кўтаринчилик бағишлайди, — дейди «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими раиси Маҳмуд Асомов. — Ниятимиз хайрли ишларни имкон борича кўпроқ қилиб, болаларнинг кўнглига озгина бўлсада шодлик, қувонч олиб киришди.

Дарҳақиқат, ёш авлоднинг истиқлол гоёларига садоқат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган бу тадбирларни ташкилотчилар тез-тез ўтказиб туришни режалаштирганлар. Жумладан, яқин кунларда «Истиқбол бизнинг қўлимиздадир. Шундай экан, Ватан тараққиёти ва юрт тинчлиги учун бутун борлигимизни бахш этмасарзийди...»

«Биз эркин ва фаровон ҳаёт кўрмоқдамиз» шiori остида «Мингўрик», Юнус ота номидаги ва «Иттифок» маҳаллаларида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги, эзгу орзу-интилишлари,

Ёқубов
СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университетини журналистика факультетини талабаси

ҲАМБИРАМ КАМ БЎЛМАЙМИЗ

Маҳаллаларимизда бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий аҳамиятга молик тадбирларда Мустақиллик берган имкониятлар, юртдошларимизнинг бугунги улкан ислохотларга бўлган муносабатлари, тобора чирой очиб бораётган мамлакатимизнинг келажак истиқболларига дахлдор жиҳатлар эътибор марказида бўлмоқда.

Яқинда Шайхонтохур туманидаги Олим Ҳўжаев маҳалласида бўлиб ўтган «Биз ҳеч кимдан кам бўлганмиз, ҳеч қачон кам бўлмаймиз» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда ҳам айнан шу мавзулар доирасида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» Жамғармаси, Шайхонтохур туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу йиғилишда «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим бошлиғи Ақром Акмалов, «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Садриддин Ҳасановларнинг чиқишларида мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, фуқароларни ижтимоий-маиший, иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этишга қаратилган сай-ҳаракатларнинг мазмун моҳиятида инсонпарварлик тамойиллари устувор масала этиб қўйилганлиги қайд этилди.

— Маҳалламизда тўрт ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди Олим Ҳўжаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Нажиmiddinov. — Сихат-саломатлик йилда фуқароларни ижтимоий-маиший жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширдик. Шунингдек, маънавий-маърифий аҳамиятга эга тадбирларнинг кўлами янада кенгайтириб бориш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Тадбир сўнгига кам таъминланган, ижтимоий химояга муҳтож кишилар, II жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг 400 нафарига дастурхон ёзилиб, миллий оdatимизга кўра ош тортилди. Бир пиёла чой устидаги самимий суҳбатларда эл-юртнинг осойишталиги, тинчлиги ва хотиржамлиги эртанги порлоқ келажакнинг пойдевори эканлигига урғу берилди.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари томонидан ижро этилган она-Ватан мадҳини, унинг қадр-қиммати тарангун этувчи куй-қўшиқлар эса йиғилганларга завқ-шаҳк улашди.

Ҳасанбой ФАТТОНОВ



лақонлар билан гавжум; маҳалла оқсоқоли Т.Халилов фаоллар билан кейинги иш режалари ҳақида суҳбатлашмоқда. **Ҳажимжон Солихов олган суратлар.**

Янги йил оқишмида ҳар биримиз йил бўйи қилган ишларимизни сарҳисоб этиб, келгуси режаларни белгилар эканмиз, беихтиёр умр мазмуни, ҳаётнинг маъноси ҳақида ўйлаймиз. Мустақилликдан кейин ўтган олти йил давомида биз ўзгичлигимизни, ноёб кадриятларимизни, дунёда энг улуг бойлик инсон ҳаёти, унинг шаъни, кадр-қиммати эканлигини тўла тушуниб етдик. Юртимизда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик янада мустақамланди, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучайди.

Йиллар тажрибаси бу кўпна заминда инсон яшар экан, бутун борлик унинг ақлаковати, меҳнати, кўл кучи билан яшар экан, демак, биринчи навбатда инсон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш ўз келажиги, эл-юрт фаровонлигини ўйлаган ҳар қандай тузум ва давлатнинг асосий бурчи эканлигини исботлаб берди. Буни чуқур англаган мустақил республикамиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йил "Инсон манфаатлари йили" деб номланди. Бу ном билан аталган йилнинг маъноси остида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, давлат, жамяят ёрдамига муҳтож оила ва одамларга етарли қўмак ва мадад бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга эътиборни кучайтириш, бутун умри ҳалол меҳнатда ўтган нуруний отахонларимиз ва мунис онахонларимизни рози қилиб, уларнинг дуоларини олишдек хайрли мақсадлар ётади.

Дарҳақиқат Мустақиллик шарофати билан йилларимиз бир-биридан гўзал номлар билан аталиб, файзли ўтадиган бўлди. Истиқлолдан кейинги ҳар йилимиз бир неча ўн йилликларга тенглаштирилаётганлиги ҳам айна ҳақиқат. Сабаби, бир йил ичида ҳар соҳада кўлга киритаётган оламшумул ютуқларимиз кўз ўнгимизда содир бўляпти. Айниқса юрт ободончилиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳар қандай мактовга лойиқ. Биз ҳар бир байрам ва тантана қилинадиган кунларимизнинг ҳеч бирини камситмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, айниқса ҳар йили Фарўза ва Мустақиллигимиз нишонланадиган кунлар арасида фойдаланишга топшириладиган улкан объектларнинг сон-саногии бўлмайди. Улар нафақат пойтахтимизда, балки, юртимизнинг барча вилоятларида, туманларида, чекка қишлоқларида бўй кўрсатмоқда. Улардан қай бирини — осмоний бинолар, маҳобатли кўприклар, жаҳон андозаларига мос келадиган меҳмонхоналар, бозорлар, қўшма корхоналар, кенг ва раво йўллари айтилиши ёки илгор машина-саноат, самолётсоз мамлакатга айланаётганимизнинг таърифини келтирайликми?

Ҳар гал азим Тошкент шаҳрининг савлат тўкиб турган Темирийлар тарихи Давлат музейи, Марказий банк, "Миробод", "Паркент", "Бектемир", "Оло", "Эски жўва" бозорлари, "Олимпия шон шухрати" музейи, "Интерконтиненталь", "Ўзбекистон" меҳмонхоналари, Халқлар Дўстлиги, "Туркистон" саройлари ва бошқа ноёб бетакор иншоотлар, йирик мажмуаларга кўзимиз тушганда бу биноларнинг бир-бирига монандлиги, кўркамлиги ва салобатидан қалбларимиз нурга тўлади. Энг мумини, юқорида баён этилган фикрларимизнинг барчаси "Оқшом" газеталарининг ўша йилги саргайган саҳифаларидан ўрин олганлигидир. Юртимизда йил давомида бўлган барча ўзгаришлар, янгиланишлар ҳоҳ у иқтисодиётда, ҳоҳ қурилишда, ҳоҳ маданий ҳаётда бўлсин барча-барчаси журналистларимиз томонидан ўқувчилар эътиборига етказиб турилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ўшанда "Оқшом" газеталарида ўз чиқишида дил сўзларини шундай баён қилган эди:

— Мен азиз юртдошларимни кириб келган 1997 йил билан табриклаш бахтига муюссар бўлиб турибман. Бу кунларга соғом етганимиз учун шукроналар айтсак арзийди. Мен бир гални тақдорладан чарчамас эдим: илоҳим кўз тегмасин, тинч ва осойишта мамлакатимизнинг келажак сари ташлаётган ҳар бир одами, ҳар бир кунини йилга тенгдир. Агар шу хулосага дадил келсак, бир йил қанча фурсатга тенглигини ўйлаб қўраверинг. Албатта маълум қийинчиликлардан кўз юмаётганимиз йўқ. Дадил оёққа туриб келаятган Ўзбекистонимиз барчаси энгуб ўтади. Шу ўринда Мустақил давлатимизнинг обрў-эътибори халқаро миқёсда жуда ҳам ўсиб кетганили-

гини эслаб ўтганимиз керак бўлади. Мен яқиндагина Женева шаҳрида ўтказилган жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти халқаро дипломатик конференциясининг 20 кун давом этган мажлисларида иштирок этиб қайтдим. 160 дан зиёд мамлакатлар қаторидан Ўзбекистон номи ёзилган ўринда Ватанимизнинг вакили сифатида иштирок этдим. Гап бу ерда албатта менинг ўзим ҳақимда эмас. Ана шундай дақиқаларда мустақил давлатинг учун қалбнинг ифтихор билан тўлиб кетар экан. Меннинг ўзимга ҳар бир ватандошим ўзини қўйиб кўрса буни юракдан ҳис этади.

Инсон ҳаёти байрамлардан иборат эмас, лекин одамзот байрамларга интилиб яшамаса ҳам гуноҳ бўлади. Дарҳақиқат, бу сирғалва дунёда тинч ўтган ҳар бир кунини байрам десак ҳам бўлаверади. 1997 йилимиз ҳам барчамизга омонлик, тинчлик, кут-барака олиб келсин.

**Инсонга тириклик доим муаммо,
Ушунга ҳамроҳ эрур гоҳ шодлик, гоҳ ғам.
Эртанг не бўлишин, билмасман аммо,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.**

Шоир ҳақ, Халқимиз тинч ўтган ҳар бир кун шукронаси билан яшаб, Мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида ҳормай-

ли ишга бахш этган Тўлқин Расулев ана шундай инсонлар сирасига қиради. Таҳририятимиз ҳаётида бирон бир кун йўқки у ёки бу сабаб билан у кишини эсламасак...

Тўлқин Расулев билан 1960 йиллар бошида Ўзбекистон Телеграф агентлигига (ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги) ишга келганимда танишган эдим. Ана шунга ҳам 41 йил бўлибди. Кейинчалик Тўлқин ака чорак аср давомида "Тошкент оқишми" газетасида меҳнат қилди ва шунча вақт у билан ёнма ён ишладим, табиийки, унинг мароқли суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. Тўлқин ака жуда дилқаш ва ҳокисор инсон, қалами ўткир иқтидорли ижодкор эди. Бунга биз ўзимиз жонли гувоҳимиз. У кирган даврда доимо ўзгача кайфият ҳукм сурарди. Ширин сўзларию ҳазили билан барчамизнинг кўнглимизни оларди.

"Тошкент оқишми" саҳифаларидаги Тўлқин ака қаламига мансуб одоб-ахлоқ, миллий аънава ва қадриятларимиз ҳақидаги ажойиб ва ибратомуз мақолалар, дилбар ҳикоялар ва шеърлар адабий мулк бўлиб қолди. Унинг мароқ билан ўқиладиган рисола ва китоблари ўз мухлислари ўртасида ҳамон тилга олинади. Самарали фаолияти учун унга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони берилган эди. Ажойиб инсон 60 ёшга ҳам етмай ҳаётдан кўз юмди. Унинг номи 5 нафар фарзанди, умр йўлдоши ва неваралари қатори барча дўстлари қалбида бир умрга муҳрланиб қолди.

Уша йилнинг 26 апрель эрта тонгида уйдаги телефон жиринглаб қолди. Ҳушани кўтардим. Ундан қадрдон дўстим Ҳўшимовнинг:

— Солиҳжон, Тўлқин ака оламдан ўтибди, — деган мунгли овози эшитилди. Уша кун жума эди, уша кун арафа эди. Одамлар тириклик чоғида ёки оғир касал бўлиб ётган пайтида худди ана шундай кунлардан ёрлақашини Оллоҳдан илтижо қилишди. Тўлқин Расулевни ана шундай қутлуг кунда сўнги йўлга кузатдик.

"Оқшом" тарихида эсда қоладиган воқеалар ҳам кўп бўлган. Шулардан бири газетамизга масъул котиб тайинланишидаги ҳангомани тилга олгимиз келади.

Ушбу ўринга газетамизнинг ижтимоий-сиёсий муаммолар бўлими мудири тайинланиши кўзда тутилганди. Бирок жамоанинг талаби билан махсус муҳбир ҳам даъвогар сифатида унинг сафига қўшилди. Анча талашли-тортишлардан сўнг иккала даъвогар овозга қўйиладиган бўлди. Энг кўп овоз олган киши масъул котиб тайинланиши белгиланди.

Йилгилишда махсус муҳбир ётиб овоз билан қолиб чиқди. Лекин бош муҳарриримиз Эркин Эрнazarов ҳар иккала даъвогарни бир-биридан камситмаслик учун уларга бир ойдан шу лавозимда сино муддати билан ишлаш, ўтган кунлар ичида ким ўзини масъул котибликка муносиблигини кўрсата оlsa, уша киши шу лавозимга тайинланиши керак, деган таклифни ўртага ташлади. Ҳамма бир овоздан шу таклифга розилик билдирди.

Шу мисолнинг ўзиёқ "Оқшом"да ҳамма нарсаси кўпчилик билан келишилган ҳолда дўстона, адолатли тарзда ҳал этилишини кўрсатиб турибди.

Газета фаолиятини бунақа дўстона ва зият билан боғлиқ воқеаларни кўллаб келтириш мумкин.

Биз ҳар доим эски йил билан хайрлашар эканмиз, ўтган вақт давомида қилган ишларимизга яқун ясаймиз ва янги йилда ўз олдимизга қўйилган вазифаларнинг аниқ режасини тузиб оламиз. Газетамизнинг янги йилдаги биринчи сони бутунлай янги рўнлардаги мақолалар билан чиқishi ҳам эътиборимиздан четда қолмайди.

Аънаманга кўра ўша йил ҳам Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобулов ёзганидек:

**Мархабо, эй, Янги йил! —
Кадаминг кутлуг келсин,
Эски йилдек сенинг ҳам
Йўлларинг ёруғ келсин!
Ахти Ватан бошига
Бахт тожини кийдириб,
Шодлик тахтин раво кўр,
Мартабонг улуг келсин,**

дея 1997 йил билан хайрлашиб, янги 1998 йилни кутиб олдик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари



● Нодон дўстан кўра, ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутулолмайсан.

● Сўраб-сурштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

● Заиф, кўрқок, алдамчи дўстан душман афзал.

КИССА. Тўя билан тулки ҳар ишда ҳамдан ва ҳамдард бўлишга аҳд-паймон қилишди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки унга ёлворибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, серғушт, мен эса бир кичик озгин, нотавон махлуқман. Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб, тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб, уни ҳам халок этибди.

ҲИССА. Дўст танлашда шойилмаслик керак, аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик илларини бевафолик, гаддорлик болтаси билан узманг. Илло, сизнинг бошингизга ҳам хийлағар тулкининг кунини тушмасин.

Байт:
**Кимки дўстлиқни
хор айлабди, уни —
Қисмат жазолағай —
чиқиб тутуни.**

● Тўғри йўлдан юрган одам номусли, берган ваздасида қаттиқ турувчи бўлади. Ҳеч кимни алдамайди. Тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улуг фазилат эканини билади.

● Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасинигина кўзламайди. Халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ҲИҚОЯТ. Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хунар ҳамма айбни босади?

— Сахийлик, — деди донишманд.

ҲИҚОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сени душманим деб биламан. Ёлғон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди. Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:
**Гар чақимчи ўз
ишидан урса дам,
Қудратинг етса**

тилни қилгил қалам.

● Дилим ранжимасин десаңг, гийбатчи бўлма.

Ишлар саҳоси

**«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КУНЛАРИ**


ЎТТИЗ ИККИНЧИ ҲИҚОЯ

толмай меҳнат қилмоқда. Албатта, эл-юрт фаровонлиги йўлида қилинган бу саъй-ҳаракатларни бор бўйи билан ўз саҳифаларида ёритиб турган биз "оқшом"чилар ҳам умумхалқ меҳнатига озми-кўпми даражада ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Уша йилги саҳифаларни бирма-бир ва рақлар эканмиз, ҳамкасбларимиз томонидан ёзилган ранг-баранг мавзудаги мақола ва саҳифаларга кўзимиз тушади. Афсуски, бу чиқишларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталишнинг илоҳи ҳам, имкони ҳам йўқ. Шунинг учун бу ўринда улардан баъзиларини санаб ўтсак ўйлаймизки, номлари тилга олинмаган ҳамкасбларимиз биздан хафа бўлмайдилар. Уша йилга хос бўлган чиқишлар ҳақида гап кетар экан, албатта Дилшод Исроиловнинг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг 5 йилги муносабати билан ёзилган "Парвознинг осуда ва кўнгили ўтсин" мақоласи, Гулзода Мамбетованинг иқтисодий мавзудаги "Ўзбек қозғоши", Темир Убайдуллонинг ахлоқ-одоб доирасидаги "Ўзинг ким эдинг", Абдурахмон Жўраевнинг "Бефарқлик кулфати", Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Ёшлар таянчи", Маъмура Рўзиеваннинг "Юлдузли онлар", Шарифа Илёсованинг "Мақсад — жаҳон бозорига чиқиш" каби мақолалари, шунингдек, Тошкент метросининг 20 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Ҳўкутчилар ва Мураббийлар кўнига бағишланган саҳифалар ҳамда ҳамкасбларимизнинг Инсон манфаатлари йили муносабати билан ёзилган бир қатор мақолаларини йилнинг энг яхши чиқишлари туркумига киритиш мумкин.

Ҳар бир йил ҳақида ёзаётганимизда беихтиёр ҳамкасбларинг бирма-бир кўз ўнгингдан ўтади. Улар билан кечган кўнгили дамлар, қайгулар, хотираларингни эслайсан. Хусусан биз "оқшом"чиларнинг бемаврид оламдан ўтган ҳамкасбларимиз билан видолашган кунларимиз қалб дафтарида саҳифаларига энг қора қарфлар билан ёзилган. Кеча сен билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб ёнма-ён ишлаб турган дўстингни сўнги йўлга кузатишдан оғир мусибат бормикан? Айниқса биз учун қадри бўлган Тўлқин Расулевнинг вафоти ҳақидаги қайғули хабар кечагидек ёдимизда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубов шундай эслайди: — Ҳаётдан кўз юмган инсонларни эслаш, уларнинг яхши хислатлари ҳақида гапириш халқимизга хос ажойиб фазилатлардан биридир. Дарҳақиқат, шундай инсонлар бўладики, дунёдан ўтган улар ҳақида тез-тез эслаб турилади. Айтган гапларию қилган ишлари ёдга олинади. Бутун умрини қалам тебратишдек машаққат-



Машиин масканларида

НАФОСАТГА ОШНО ЭТИЛМОҚДА

Бўлғуси офицерларни ҳар томонлама билим ва кўникмаларга эга ҳолда тарбиялаш ҳарбий ўқув юртимизимиз олдида турган муҳим вазифалардан бўлиб, бу масалага албатта, ушбу тизимда жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, шахримиздаги махсус ҳарбий мактаб-интернатда ҳам тарбияланувчиларни нафосат оламига ошно қилиш, хореография асослари ва рақслар ўргатишга алоҳида эътибор билан ёндошилмоқда. Зеро, бўлғуси

офицер нафақат шахдам қадам ташлаш, замонавий ҳарбий техника билан муомала қилишни, балки рақсга тушишни ҳам билиши керак.

Шу сабабдан мактаб-интернат раҳбарияти Омина Раҳимова ва Феруза

Миралимова каби хореографларнинг, "Хумо" ҳамда "Шодлик" болалар рақс ансамбллари иштирокида тарбияланувчиларни бал рақсларига ўргатиш тўғрисидаги фикрларини қўлаб-қувватлади.

Қувонарли томони шундаки, эндиликда махсус мактабдаги ҳар бир байрон тадбири чиройли бал рақсларисиз ўтмайди. Кўриб турганингиздек, ҳақиқий офицерлар каби ўзини тутатган тарбияланувчилар рақсларни ҳам қойилмақом тарзда ихро этмоқдалар.

(Ўз мухбиримиз)

Алексей Попов олган суратлар

Маълумки болаларда овқатланиш тартибининг биров бузилиши ич кетишига олиб келиши мумкин. Ёш болаларда овқат ҳазм қилишнинг бузилишига кўпинча овқат таркибининг ўзгариши, боланинг ҳаддан ташқари тўйиб овқат ейиши, овқатда ёғлар, углеводлар, оқсилларнинг кўп миқдорда бўлиши, шунингдек табиий овқатлантиришдан сунъий овқатлантиришга эрта ўтказиш, овқатни палапартини, сифатсиз махсулотлардан тайёрлаш, овқат тайёрлаётганда кўлланилган, идиш-товокларнинг тоза бўлмашиги сабаб бўлади. Болаларда ўткир ичак касалликларининг пайдо бўлишига рахит, гипотрофия, экссудатив диатез, камқонликда тез-тез шомоллаш, ривожланишнинг тугма нуқсонлари, шунингдек боланинг ёши, ижтимоий аҳоли, онанинг касалликлари ва бошқалар ҳам сабаб бўлади.

Ичак инфекциялари гурӯҳига организмнинг касаллик кўзгатувчи микроблардан зарарланиши оқибатида пайдо бўладиган касалликлар — ичбурғ, ич терлама, сальмонеллез ва ичак таёқчалари, шунингдек, вируслар киритилади. Бу касалликларнинг ҳаммасини бир гурӯҳга бирлаштириш мумкин,

чунки уларни кўзгатувчилар ичакнинг бир жойида бўлади, юктириш механизми ҳам, касалликнинг кечиши ҳам ўхшайди.

Бемор одам ёки бактерия ташувчи (касалликнинг клиник

ди. Ичак инфекцияларида асосан ингичка ва йўғон ичак зарарланади. Бунда бемор қайт қилади, бот-бот ичи кетади, қорни оғриди, иштаҳаси пасаяди. Ичи кетаётган болаларни соғлом болаларга қўшмаслик

келиб чиқадиган аллергия пайдо бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Бактерия ташувчилар катталар ва болалар ўртасида касаллик тарқатадилар. Ҳозирги вақтда ўткир ичак касалликлари орасида ичбурғ, сальмонеллез кўп тарқалган. Болаларда содир бўладиган ўткир ошқозон-ичак касалликларини «Глюкосолан», «Регидрон» препарати эритмасини ичириш билан даволаш ҳозирги замон тиббиётининг катта ютуғидир. Ёш болаларда ич кетиш ва қушиш аломатлари пайдо бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак. Тиббиёт ходимлари бемор болани тегишли даволаш марказларига юборадилар.

Болаларда учрайдиган бундай ўткир ичак касалликларининг олдини олишда овқатланишдан олдин ва ҳожатхонадан чиққандан сўнг қўлларини совунлаб ювишлари лозим, мева ва сабзавотларни тоза оқар сувда яхшилаб ювиб истеъмол қилишлари шарт. Кўча ва ҳовлиларни тоза тутиб, ахлат тўпланишига йўл қўймаслик, касалликни тарқатувчи пашшалар билан курашиш касалликнинг олдини олишда муҳим омил бўлади.

Дилдора МИРБОБОВА,
шифокор.

Мутахассис оғоҳлантиради

БОЛАЛАРНИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЭҶТИЁТ ҚИЛИНГ

Мана ўлкамизга куз ҳам кириб келди. Бозорларимиз кузнинг нознematлари бўлмиш турли хил мева-сабзавотлар билан тўла. Бу фаслда ўз-ўзидан болалар ўткир ичак касалликлари деб аталувчи мавсумий касалликнинг тарқалишига етарлича шарт-шароитлар бўлиши мумкин.

Белгилари бўлмасдан, ахлатида ичак инфекцияси микроблари топиладиган соғлом одам касалликни юктириш манбаи ҳисобланади. Микроблар организмдан бемор ёки бактерия ташувчининг ахлати билан ажралиб чиқади. Микроблар инфосланган овқат, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари орқали соғлом кишининг овқат ҳазм қилиши йўлига тушиб, касаллик пайдо қилиши мумкин. Пашшалар оёқларига ахлатни илаштириб олиб, озиқ-овқат махсулотларига қўниб касаллик юктира-

керак. Касал болаларни юқмади касалликлар шифохонасини тартиб бўлимига ётқириш зарур.

Сўнги йилларда касалликнинг энгил ва белгиларисиз кечадиган тури кўпаймоқда. Бундай ҳолларда ота-оналар кўпинча болани антибиотиклар билан даволайдилар. Уйда антибиотикларнинг шифокор назоратисиз қўлланиши касалликнинг узоққа чўзилиши, бактерия ташувчилик каби нохуш оқибатларга олиб бориши мумкин. Бундан ташқари, дорилардан

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪБОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪБОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига

РКМБ Тошкент шаҳар макле-риятидан қуйидаги объект қўйилган.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 156А-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2300 кв.м.га тенг бўлган «ИРАК YO'LI IMPEKCS» Бозори Очқ Турдаги Акциядорлик жамиятига тегишли 10 та бино ва иншоотлари (А,Б,Б1,В,Г,Д,Е,Ж,И,К — блоклари) мол-мулклари билан.

Бошланғич баҳоси — 606 959 506 сўм.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишнингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.
Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, РКМБ Тошкент шаҳар филиали. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73. Факс: 136-28-75.

Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиб билдирилган ҳолда савдо аукцион қўрилишида давом этиб, нархлар эркин шаклланади.

2005 йил 27 августдан бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
ТОШКАНБОЙ ЭҶАМБЕРДИЕВ НОМИДА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
«ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»

Катта халқаро байрам дастури

Дастурдан:

ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар,

илон ўргатувчи бўғма илон билан,

чавандоз йигитлар ва

бошқа кўплаб иштирокчилар

ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.

ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!

Томошалар: шанба ва яқшанба кунлари соат

12.00, 15.00 да бошланади.

Чиптаалар цирк кассаарнида ва туман кассирлар

ри томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўлалиши мумкин.

Касса эртаалаб соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар:

144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Рим-барани

олам

ОНАЛАР, БОЛАЛАРГА КУЛИБ ҚАРАНГ

• Ўз ҳаётининг дастлабки кунларида ва ойларида кулиб турувчи одамлар чехрасини кам кўрувчи чақалоқлар одамови ва тортинчоқ бўлиб ўсадилар, деб тасдиқлашади Делавар университети-нинг (АҚШ) олимлари. Улар ўтказган тадқиқотлар чақалоқлар кулгуси мутлақо ихтиёрий эканлигини, лекин орадан кўп ўтмай, улар теварак-атрофдаги воқеаларни идрок эта бошлашини, масалан, оналарининг кулгусига кулгу билан жавоб қайтаришларини ўрсатди. Сўнгра уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам намоён бўла бошлар экан: айримлари тез-тез кулса, бошқалари ковоқ солиб туришни маъқул кўришади, яна баъзилари эса теварак-атрофдаги одамларнинг чехрасига эътибор беришмас экан. Бундай ҳолни кўрган ота-оналар дарҳол шошилинч чораларни кўришга ҳаракат қилишлари лозим. Ҳаётнинг дастлабки ойларида ҳўмайиб турадиган ва асабийлашадиган болалар, деб таъкидлашади тадқиқотчилар, катта бўлишганда ҳам шундай бўлиб қолишлари мумкин.

ҚОРА ҚОҒА ҚОРА ТОШ

Биринчи марта аҳолини ҳисобга олиш эрамингача бўлган уч минггинчи йилда қадимий Мисрда ўтказилган. Кейин Хитой, Бобил, шунингдек, Рим ва Грецияда ҳам одамларни санашган. Ундан асосий мақсад, аскарликка олиш учун ҳам бақувват, ҳам ёш эркекларни танлаш эди. Аммо аксарият санокчилар саводсиз бўлганлиги сабабли улар бир қўлга оқ қоғ, иккинчи қўлга қора қоғ олиб юриб, ҳисобга олиш жараёнида оқ қоғга оқ тош, қора қоғга қора тош солишган. Оқ тош эркек, қора тош аёл кишини билдирган.

ХОРИЖИЙ «ФУҚАРОЛАР»

Монако ва Исроилда ўз элларига нисбатан хорижий мамлакатларда туғилган фуқаролар кўп экан. Масалан, Монакода яшовчиларнинг 60 фоизи чет элларда, айниқса, Франция ва Италияда туғилган. Исроил фуқароларининг эса 62 фоизи чет элларда дунёга келган.

Спорт

БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА

“Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлар” деган ибора бежиз айтилмаган. Спортга ошно бўлиш эса сihat-саломатликнинг энг асосий кафолатларидан ҳисобланади. Бинобарин, ҳозирда мактабларда, маҳаллаларда болалар учун замонавий спорт жамуалари ва стадионлар қурилишига муҳим эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳол бўлиб, бу келажақда албатта ўзининг тотли мевасини беради.

Шаҳримиздаги 110-мактабда ҳам бу борада хайрли иш амалга оширилди. Ташландиқ ҳолга келган майдон ўрнига “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳомийлигида замонавий таламларга жавоб берадиган болалар спорт жамуаси бунёд этилди. Янги жамуанинг кенг ва ёруғ спорт залларида спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланиш мумкин.

ЎСМИРЛАР БАҲСИДА БИРИНЧИ

Шаҳримизда велосипед спортининг трек тури бўйича республика миқёсидаги мусобақалар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган олти мишга яқин спортчи катталар ва ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда галаба учун кураш олиб боришди.

Эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақаларда меҳмонлар зафар кучишди. Хусусан, Сирдарё вилояти вакили Владимир Тўйчиев галаба наҳидасини сурган бўлса, фахрли 2 ва 3-ўринлар наманганлик трек усталарига насиб этди.

Ўсмирлар ўртасида эса шаҳримиз спортчиларига тенг келадиганлар топилмади. Қувонарлиси шундаки, ҳурмат шохсупасининг барча учта погонасини пойтахт мактаби тарбияланувчилари Никита Абрамов, Темура Сайфудинов ва Дмитрий Меликовлар забт этишди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Давлат иқтисодий университетини томонидан 2002 йил 11 июлда Нурқасимов Қуанишбек Нурқасим угли номига берилган В№085219 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТАБИАТГА МЕҲР-МУҲАББАТ УЙҒОТИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — бугун саломатлигимиз манбаи, эртага эса авлодларимиз миннатдорчилигидир” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларининг чегаралари ораллигида ҳайбатли Тяньшан тоғининг Чотқол, Талос, Пском ва Угам тоғ тизмалари жойлашган. Табиий жиҳатдан жаҳондаги ўта муҳим экоҳудудлардан ҳисобланган бу масканлар хайвонот ва ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги, сақланиб қолган табиий экотизимларнинг мавжудлиги ҳамда ниятда бўй, бироқ нозик табиий заҳиралари билан ҳам янада қимматлидир. Маданийлаштирилган ўсимликлар билан бирга, бошқа ҳеч бир жойда учрамайдиган ўсимлик турлари сақланиб қолган ҳудуднинг хайвонот дунёси ҳам ўзига хос. Лекин афсуски, айни вақтда ушбу ҳудуд биохилма-хиллигига путур етмоқда. Шу сабабли ҳам Фарбий Тяньшан биохилма-хиллигини асраш бўйича Марказий Осиё Чегаралараро лойиҳаси Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларида амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг бош мақсади, ушбу ҳудуд биологик хилма-хиллигини асрашдан иборатдир. 1994 йили Глобал экологик фонди лойиҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудда жойлашган давлатларга Жаҳон Банки орқали 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ берилди. Фарбий Тяньшан биохилма-хиллигини асраш бўйича тўртта асосий кўриқхона белгилаб олинди. Улар Ўзбекистон ҳудудидagi Чотқол, Қирғизистон ҳудудидagi Саричелак ва Бешорол, Қозоғистон ҳудудидagi Оқсу-Жоғоғли зоналаридир.

Анжуманда ушбу ҳудудларда лойиҳа доирасида олиб борилаётган сайёҳаракатларнинг сарҳисоби ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр алмишилди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, аҳоли ўртасида, хусусан ёшлар қалбида она тавабатга меҳр-муҳаб-

бат уйғотиш, атроф-муҳит ва табиий бойликларимизни асраб-авайлаш, уларга нисбатан оқилона муносабатда бўлишни тарғиб этишдир. Шунингдек, инсон ва табиат ўртасидagi узвий боғлиқликларни атрофлича ўрганиш, давлат муҳофазасига олинган ҳудудлар, ўсимликлар дунёси ва хайвонот олами хусусиятлари билан яқиндан танишиш, аҳолига фарбий Тяньшан биохилма-хиллигини асраш лойиҳаси фаолияти тўғрисида кенг камровли маълумотлар бериш ва кишиларни ушбу фаолиятга жалб қилиш ҳисобланади.

Анжуманда мактаб ўқувчиларига “Қизил китоб”нинг аҳамияти ва ушбу китобга қиритилган ўсимлик ва хайвонот дунёсининг тақдири ҳақида маълумот бериб, ёшлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
“Туркистон-пресс”

Пойтахтдаги Авиасозлар маданият саройида Ҳамза турмаида жойлашган умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Камалак» болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

«КАМАЛАК»КА АЪЗО БЎЛИШДИ

«Камалак» болалар ташкилоти иқтидорли ва намунали хулққа эга бўлган болаларни бирлаштиради. Шунингдек, мазкур ташкилот ёш авлодни ватанга, истиқлол гоёларига садоқатли, комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида ҳам самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Иқтидорли болаларни излаб топиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашда «Камалак» болалар ташкилотининг ўрни катта. Ҳар йили янги ўқув йили аввалидан ўқувчиларни болалар ташкилоти аъзолигига қабул қилиш яхши анъанага айланган. Тумандаги 28та мактабдан жами юз нафар ўқувчи ташкилотнинг туман бўлими томонидан аъзоликка қабул қилинди. Маросимда ўқувчилар масъулиятли бўлишига, билдирилган ишонччи оқлашга ваъда беришди. Тадбир сўнгда болаларга махсус нишонлар топширилди.

«Туркистон-пресс»

Ҷўйбон

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

ЎТГАН КУНИ

ўтказилган мамлакат XIV чемпионатининг 18-турида пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар — «Пахтакор» ва «Трактор» ўзаро беллашди.

Ўтган йилги мавсумда ажойиб галабалари билан муҳлислар қалбини шод этиб, мутахассисларни ҳам хайратга солган «Трактор» жамоасининг жорий йилда нотекис ўйин кўрсатаётганлиги таажубланарли ҳол. Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳар сафар «Пахтакор» ва «Трактор» ўртасидаги баҳслар шиддатли курашларга бой, қизиқарли кечган. Бу гал эса майдон эгалари — «Пахтакор»чилар меҳмонлардан кўра анча сермазмун ва ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Хуллас, тўп билан аниқ муомала қилишда, рақиб дарвозасига хавфли ҳужум уюштиришда устунлик қилган «Пахтакор» жамоаси аъзолари 90 дақиқа давомида меҳмонлар дарвозасини беш марта ишғол этиб, ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юборишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижага қайд этилди. «Машъал» — «Самарқанд — Динамо» — 3:1. «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 0:0. Ушбу турнинг қолган учрашувлари БУГУН бўлиб ўтади.

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 19-тур беллашувлари 17 сентябрь кунини ўтказилади.

(Ўз мухбиримиз)

ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгагининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 боёма табоқ оғеет усулида боёқланади.
2496 нузда боёқланади. Қозоғ билими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади. Наир кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрийт-матбоса акциядорлик компанияси боёқхонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги